



ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz

№ 13 (872) • 2012 йил, 30 март, жума

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 март куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Жеймс Мэттисни қабул қилди.

Сухбат чоғида давлатимиз раҳбари кейинги вақтда Ўзбекистон ва АҚШ самарали сиёсий мулоқот, иқтисодиёт ва сармоя, янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш сингари гоят муҳим йўналишлар бўйича ҳар томонлама ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштиришга эришганини таъкидлади.

Учрашувда минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва кенгай-

тириш борасида томонларни қизиқтирган масалалар, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ж.Мэттис самимий қабул учун Ўзбекистон Президенти ва миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари икки томон учун ҳам фойдали Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигини ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Ў.А.

Концепция:
устувор вазифалар

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини

таъминлашнинг аҳамияти ва зарурати

Кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳоётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур қоғолат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳадаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган сўз эркинлиги принциплари ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини изчиллик билан тўлиқ амалга оширишни таъминлашга қаратилди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш, уларни эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро нормаларга тўлиқ мос келадиган, демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида иштирок эти-

шининг ҳуқуқий кафолатларини таъминладиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Авваламбор, бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Асосий қонунимизнинг 29-моддаси ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, шунингдек, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ҳамда тарқатиш ҳуқуқига эга эканини кафолатлайди. Конституцияда оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақомини белгилловчи махсус нормалар ҳам бор.

Давоми 3-бетда ➤



Пленум

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VI Пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Сиёсий Кенгаши аъзолари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари, ҳудудий партия кенгашлари раислари, партия экспертлари ва фаоллари иштирок этишди.

«Адолат» СДП: тараққиёт йўлимиз

янада ташаббускор, янада қатъиятли ва фидойи бўлишга ундайди

Пленум ишида "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2011 йилдаги Устав фаолиятининг яқунлари ва 2012 йил фаолиятининг асосий йўналишлари", "Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2011 йилда-

ги фаолияти ва 2012 йилга белгиланган вазифалари" ҳамда "Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 2011 йил бюджетининг ижроси ва 2012 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари" тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Анжуман кун тартибидagi барча масалалар танқидий нуқтаи назардан таҳлил

Давоми 2-бетда ➤

Давлат ва жамият ривожининг янги босқичи

партия ташкилотларидан янгича ишлашни талаб этмоқда

Сиёсий ўқиш

Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" асосида амалга оширилаётган тараққиётнинг янги босқичида сиёсий партиялар олдига янгидан-янги талаб ва вазифалар қўйилмоқда. Айни пайтдаги сиёсий модернизациялашув жараёнида сиёсий партияларнинг ташкилий, партиявий ишларини янада жонлантиришни, бунда, айниқса, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарларидан янада ташаббускорлик ва фидойиликни, электорат манфаатлари йўлида жонқуярлик, изланувчанлик ва ишга масъулият билан ёндашишни талаб этмоқда.

Давоми 2-бетда ➤

Муқаддас кўрғон

2012 йил —
Мустаҳкам оила йили

Оилани бежиз муқаддас кўрғонга ўхшатишмайди. Зеро, муқаддас кўрғонингиз бутун бўлсагина хотиржам яшасиз. Ўзбек халқи бир-бирини кўрганида аҳолини, оиласини сўроши ҳам шундан бўлса керак. Бинобарин, халқимиз ҳар қандай вазиятда оилани асрашни бирламчи мақсад, деб билади.

Тетапоя бўлаётган болажонларнинг ота-онасига, оила аъзоларига қилаётган тақдирларини кўриб, уларнинг онгига оила тутуми болалигиданок муҳрланиб боришига амин бўласиз. Ёш ўғил-қизлар оилада ибрат намунаси бўлган катталардан тарбия топиб боради.

Қадимдан миллий урф-одат ва аънаъларимизни ёш авлод онгига сингдиришда, уларни жисмонан баркамол, маънавий етук, меҳр-оқибатли инсонлар

қилиб тарбиялашда оила муҳити муҳим ўрин эгаллаб келган. Кексаларнинг ибратли ҳаёт йўли, ўғитлари, йиллар силсиласида тобланган тажрибалари ёшларимизнинг тўғри йўлни танлашларида асқотмоқда. Тарихга назар ташладиган бўлсак ҳам бунинг шохиди бўламиз.

Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий сингари буюк алломаларимизнинг асарларида ҳам оила аъзолари ўртаси-

даги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-онанинг, оиланинг ўрни масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларига мактублар, ҳикматли сўзлар орқали насихатларини, ҳаётий ҳулосаларини ёзиб қолдирганлар. Ўтган асрнинг бошларида яшаган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби бир қатор Туркистон маърифатпарвар зиёлиларининг йирик вақиллари ҳам жисмонан ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашнинг чораси оила асосларини тўғри қуриш эканлигини таъкидлаб, оилани мустаҳкамламасдан жамият тараққиётини таъминлаш мумкин эмаслигига алоҳида эътибор қаратганлар.

Давоми 8-бетда ➤

Баркамол авлод тарбияси

Ўсиб келаётган ёш авлодни билимли, ижтимоий фаол, соғлом дунёқарашга эга, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш миллий тараққиёт йўлида қўйилган муҳим қадам ҳисобланади. Таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, бу соҳага йўналтирилган моддий ресурслар ўзини бир неча баробар даражада оқлайди. Бунинг дунёнинг ривожланган кўпгина давлатлари тажрибасида ҳам кўриш мумкин.

Давоми 5-бетда ➤

Фаровон келажак сари дадил қадам



Хусусий мулк ҳимояси

инсон қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг узвий қисми

Хусусий мулкнинг давлат томонидан қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқий ҳимоясини таъминламасдан туриб, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш қийинроқ кечishi жаҳон амалиётида маълум. Ушбу тоифадаги қонунларда фақат қонуний — адолатли, ҳалол меҳнат билан топишган хусусий мулкнинггина давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояси таъминланиши лозим.



3-бет

Энергетика соҳасидаги замонавий технологиялар

истеъмолчиларга қўлайлик яратиб, уларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган

On-Line тизимида ишлатилган электр энергияси учун тўловларни қабул қилиш маълумотларини қайта ишлаш маркази томонидан таъминланади. Тўловларни қабул қилиш ягона схема бўйича амалга оширилади. Тўловлар ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида киритиш ва унинг тез фурсатда келиб тушишини таъминлайди. Тўловлар ҳақидаги ахборот, истеъмолчи ҳақидаги маълумотлар текширилиб, реал вақт режимида киритилади ва бу турли хатоликларнинг олдини олиш имконини беради.



4-бет

Ватан оиладан бошланади

...сумалак пишириш ҳамиша кўпчиликнинг иштирокида амалга ошириладиган юмуш. Уни битта-ярымта одам уdda қиложмайди. Айни пайтда сумалак табиат уйғона бошлаган палланинг илоҳий таъми ҳисобланади. Азалдан сумалакдан сўнг қақраб кетган ерлар ёмғир сувиға қонган. Сумалак ичидан чиққан тошлар ёшларга эзгу ниятларга эришишда ҳамроҳ бўлган. Кўпнинг меҳнати, кўпнинг яқинлиги намоён бўлганда ана шундай таом тайёрланади.



8-бет

Партия ҳаёти

Партия таянч нуқтаси

Бошланғич ташилотларда

Сиёсий партиялар дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, партия ҳолатини кенг халқ оmmasи орасида тарғиб этишда бошланғич партия ташилотларининг ўрни катта. Зеро, ҳар қандай сиёсий кучнинг таянчи унинг куйи ташилотлари саналади. Партиянинг қиёфаси ҳам унинг жойлордаги куйи бўғинлари томонидан олиб борилаётган ишлар натижасига қараб белгиланади, олботта. Бошланғич ташилотлар электрот билан бевосита ишловчи, аҳоли орасида партия обрў-этиборини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи асосий тизимдир.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши аъзоларининг фаоллиги натижасида партия сафлари сиёсий жиҳатдан етук, партия ҳолати бефарқ бўлмаган, шижоатли, ўз мустақил фикрига эга аъзолар ҳисобига кенгайиб бораёпти. Айниқса, вилоятнинг Жарқўрғон, Қизилқум туманлари ҳамда Термиз шаҳар кенгашларида куйи ташилотлар билан ишлаш намунали йўлга қўйилган. Айнан ана шу кенгашларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги боис партия аъзоллигига қабул қилиш, аъзолик бадалларини йиғиш, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар ҳамда партия дастурий ҳолатининг тарғибот-ташвиқот ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Сўзимизнинг исботини Ўзбекистон "Адолат" СДП Термиз шаҳар кенгаши фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда 30 та БПТни ўз атрофида жамлаган

шаҳар кенгаши аъзолари сони 600 нафардан ошиб кетди. Ўтган 2011 йил мобайнида унинг сафлари 200 нафар янги аъзолар ҳисобига кенгайгани, аъзолик бадалларини йиғиш ошиги билан бажарилишига эришилгани аҳоли орасида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг обрўси ошиб бораётганлигидан, партия ҳолати хайрихоҳ кишилар сони ортаётганидан нишона.

— БПТлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун аввало кенгаш иш фаолияти изчил ва намунали ташкил этилиши лозим, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Термиз шаҳар кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Бекмурод Ашуров. — Куйи бўғинлар фаоллигини ошириш мақсадида кенгаш таркибидagi ҳар бир ташилотда давра суҳбатлари, сиёсий ўқишлар ташкил этилмоқда. Бундай учрашувлар шубҳасиз, фаолларнинг сиёсий билимларини оширади.

Термиз шаҳар "Истиқлол" маҳалласида ташкил этилган БПТ партия Кенгашининг энг фаол таянч бўғинларидан бири. "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги" кўрак нишони соҳибаси Назокат Хидирова етакчилик қилаётган куйи бўғинда 41 нафар партия аъзолари мавжуд. Партия аъзоларининг ҳар ҳафта ўтказиладиган йиғилишида фаолиятни жонлантириш, ҳаёт тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. БПТ фаолияти билан танишарканмиз, унинг сиёсий жараёнларига алоҳида масъулият билан ёндашадиганига ишонч ҳосил қиламиз. Энг муҳими, туман партия кенгаши билан БПТ ўртасида яқин алоқа ўрнатилган. Тегишли ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилади. Шу билан бирга, ислохотларнинг ҳозирги босқичида партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ишлаб чиқилган режалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

— Кейинги пайтда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини кенг тарғиб қилиш, унинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка ҳаётий мисоллар асосида тушуниришга ҳаракат қилаёғимиз. Ўтказилган тадбирлар давомида Концепциянинг муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, унда ижтимоий шериклик тўғрисида алоҳида қонун қабул қилишга оид қимматли таклиф ўртага танлангани, бу бошланғич таши-

лотлар фаолияти самодорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Зеро, мазкур қонун давлат муассасалари, фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган НТТлар ва жамоат ташилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади, — дейди, БПТ раиси Назокат Хидирова.

Айни пайтда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳаётдаги иштирокларини кучайтириш бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир. Шунинг учун фаол хотин-қизлар иштирокида ўтказилаётган тадбирларда "Мустақам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил бажариш, оила ва жамиятда аёлларнинг ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Эътироф этиш керак, бугун Ўзбекистон жадаллик билан ривожланиб бораётган, унинг бутун дунёга машхур тараққиёт йўли — "Ўзбек модели" халқаро майдонда эътироф этилган давлатдир. Шубҳасиз, барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам мазкур жараёнларнинг фаол иштирокчиси экани, унинг асосини ташкил этадиган БПТларнинг фаоллиги ошиб бораётганлиги қувонарлидир. Бинобарин, кун тартибда турган устувор партиявий вазифаларни амалга оширишда куйи бўғинлар етакчи куч эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Сўз — пленум иштирокчиларига

Махмуд БОБОЁРОВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— 2011 йилда партия устав фаолиятини амалга оширишда кадрлар салоҳиятига катта аҳамият берилиб, уларнинг тайёргарлик даражасини ошириш, партия Кенгашлари, кадрлари ҳамда фаолларини зарур партиявий-сиёсий манбалар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ўнга яқин услубий, меъёрий-йўриқнома шаклидаги жамланмалар тайёрланиб, умумий тиражи 16 минг нусхада чоп этилди.

Сулв ХАМИДОВА, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Дарҳақиқат, Пленумда таъкидланганидек, олдимизда турган муҳим вазифалардан бири, бу — партиянинг барча бўғинларидаги ташилотлари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари иши самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлашдир. Маҳаллаларда депутатлик гуруҳи аъзоларининг фуқаролар қабулини ташкил этиш ҳамда партия ташилотлари оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш ва албатта, ушбу тадбирларда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларини ҳам жалб қилиш қутилган самарани беради.

Алишер ШОДМОНОВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Пленумда партиянинг 2012 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари ҳам батафсил муҳокама қилинди. Ўнга кўра Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини янада кенг ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган қатор семинар, давра суҳбатлари ташкил этиш режалаштирилган. Барча партия ташилотлари жойларда «Мустақам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда иштирокини кучайтиришга хизмат қилувчи аниқ тавсиялар берилди.

Алишер АҚРАМОВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Партияимизнинг асосий вазифаларидан бири — мамлакатимиз фуқароларининг фаровон турмуш даражасини таъминлайдиган инновацион ҳарактерга эга бўлган иқтисодий ва ижтимоий соҳани ўрганиш асосида қонунчилик ва давлат бошқаруви янгиликлар киритиш ташаббуси билан чиқишдир. Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатда инновацион турдаги иқтисодиётни вужудга келтириш ширини илгари сурак экан, ўтган йиллар давомида тўпланган тажрибаси ва имкониятлари даражасида қатор амалий анжуманлар ва семинарларни ташкиллаштириб, керакли тавсияларини ишлаб чиқди ва бу тавсиялар ҳаётда ўз амалий ифодасини топиб келмоқда.

Парида ПАРМОНОВА, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Мафкуравий йўналишда партия фаолиятини ёритишга, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга оид бир неча услубий-амалий қўлланмалар, брошюралар, махсус плакатлар, партия эмблемаси тушурилган буюмлар чиқарилди, марказий ва ҳудудий партия ташилотлари томонидан минглаб буклетлар нашр этилди. Тарғибот-ташвиқот материалларини тайёрлашда, айниқса, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси партия ташилотлари фаолиятлари таҳсинга лойиқ. Шунингдек, марказий, ҳудудий ва минтақавий сиёсий ўқишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Нурмат ЭШМЕТОВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Бугун иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илгор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таъиниш даркор. Шу боис Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолиятида мамлакатда инновацион турдаги иқтисодиётни ташкил этишни муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Уни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, партия иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Собир ТУРСУНОВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Айтиш кераки, партия фракцияси аъзолари фаолияти мамлакатимиз халқининг фаровон ҳаётини таъминлаш, ижтимоий адолат таъминлашга асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда янада фаолроқ иштирок этиш,

фуқароларни ушбу ҳолат атрофида бирлаштиришда демократик янгиланишларни янада чуқурлаштириш, бошқарувда шаффофлик, очиқлик ва ҳисобдорлик таъминлашнинг таъминлашга қаратилган. Адолат ва ҳақиқат ҳақида фракциянинг қонунчилик фаолиятидаги асосий йўналиши бўлиб келмоқда. 2011 йилда фракция аъзолари ана шундай мақсадлар билан қонун ташаббускорлигини, қонун лойиҳасига масъуллини намойён қилиб, қонунчиликни таъминлаштириш жараёнида ҳамда назорат-таҳлил фаолиятида фаол иштирок этдилар, шунингдек, фуқаролардан тушган оғизаки ва ёзма мурожаатларни ўрганиб, уларнинг самарали ечимини топишга эришдилар.

Ҳамидхўжа АҲМАДХўЖАЕВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Пленумда Навоий вилояти партия ташилотлари партия кадрларининг сиёсий билимларини ошириш, уларнинг партиявий фаоллигини кучайтириш масалаларига етарлиқа эътибор қаратмаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, 2011 йилда мазкур ҳудудда ҳудудий партия ташилотларининг маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорлиги доим ҳам етарли бўлмаганлиги танқид қилинди. Шу сабаб депутатлик гуруҳларининг партия ташилотлари билан ўзаро алоқаси тўғрисида вилоят Кенгашининг ўз Низомини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди. Мазкур меъёрий ҳужжатда партия Уставидан келиб чиқиб, ҳамкорлик фаолиятининг аниқ механизмлари белгиланганлиги билан аҳамиятлйдир. Шу боис, мазкур Низомни барча ҳудудий партия ташилотлари ҳам қайта кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

Комилжон ШОДИМЕТОВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Бугун мамнуятини билан таъкидлаш жоизки, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенг жорий этиш борасидаги партияимизнинг амалий сайё-ҳаракатлари аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқин кунларда Тошкент вилояти ҳудудида яна битта — суткасига 2 тонна чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга бўлган биогаз қурилмаси ишга туширилади ва натижада 10 га яқин янги иш ўринлари яратилади. Шу ўринда Ўзбекистон "Адолат" СДП қошида «Энергияни техаш ва муҳолиқ энергия ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази»ни тузиш таклифини ўртага ташламоқчиман. Мазкур марказнинг жойлардаги бўлимлари орқали мамлакатимиз аҳолиси, тадбиркорлар, корхона ва ташилотлар, партия электротларини ушбу муаммонинг ечимида фаол иштирокини таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Рустам ЁДГОРОВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Ҳозирги кунда давлатимизнинг сайё-ҳаракатлари иқтисодиёт модернизациясига қаратилган. Технологик ва инновацион ривожланиш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Яқин келажакда биз қанчалик иқтисодиётнинг модернизациялашувини таъминлай олсак ва етакчи саноат мамлакатларидан айрим муҳим тармоқларда технологик жиҳатдан илгарилаб кетишнинг улдасидан чиқсак, барқарор иқтисодиётимиз жажон молиявий иқтисодий таҳдидларига бардош бера олади. Партиянинг ушбу жараёндаги вазифаси ҳам бутун мамлакат бўйлаб истиқболли ҳолатларни кидириш ва уларни саралаш, шунингдек, инновацион корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қонун лойиҳасига таклифлар беришдан иборат.

Равшан ҲАЙДАРОВ, Сиёсий Кенгаш аъзоси:

— Қайд этилдики, ўтган ҳисобот йилида ҳудудий партия кенгашларига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш борасида партия раҳбар органлари томонидан қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, партия Марказий тағтиш комиссияси ҳамда Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати тағтишчилари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жизжаҳ, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона вилоят партия Кенгашларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти тағтишдан ўтказилиб, уларга тегишли ёрдам ва кўрсатмалар берилди. Марказий аппарат бухгалтерияси томонидан ҳудудий партия Кенгашлари бош ҳисобчилари учун ўқув машғулотлари ташкил этилиб, улар тегишли йўриқнома ва талабномалар билан таъминланди. Албатта, бундай тадбирлар партияимиз молиявий мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фарҳод ЭСОНОВ тайёрлади.

Давлат ва жамият ривожининг янги босқичи

партия ташилотларидан янгича ишлашни талаб этмоқда

Давом. Боши 1-бетда

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари ҳамда бош ҳисобчиларининг "Сиёсий тизим модернизацияси шароитида партия раҳбарининг ўрни" мавзусида ташкил этилган икки кунлик ўқув курслари ҳам бу борадаги ишларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш ва келгусидаги вазифаларни белгилан олишга қаратилди.

Тадбирда дастлаб сиёсий модернизациянинг ҳозирги босқичида партия дастурий вазифаларини таъминлаштириш зарурати, мамлакатимиз сиёсий тизимида олиб борилаётган янги ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти, сиёсий партиялар фаолиятига оид ҳуқуқий меъёрлар ҳамда партиялараро рақобат шароитида жойлардаги партия ташилотлари ва уларнинг раҳбарлари, депутатлик гуруҳлари ҳамда сиёсий лидерлардан талаб этиладиган вазифалар ҳақида атрофича сўз юритилди.

Шунингдек, тадбирда партиянинг Аёллар қаноти ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш масалаларига эътибор қаратилган экан, давлатимизнинг аёллар ва ёшларга қаратилган сиёсати, соҳанинг ҳуқуқий асослари, партия фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти хусусида батафсил сўз юритилди.

— "Мустақам оила йили" Давлат дастурида белгиланган барча устувор вазифалар қаторида, аёллар ва ёшлар масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлади, — деди Сирдарё вилояти Кенгаши раиси Мавлуда Сиддиқова. — Бугун барча соҳалардаги ютуқ ва камчиликларимизни таҳлил этган ҳолда хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий дастуруларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сайё-ҳаракатларимизни янада жонлантириш юзасидан ҳам аниқ вазифаларни белгилан олдиқ. Бу борадаги ишларни амалга оширишда ҳудудий кенгашларимиздаги Аёллар қанотлари раисларининг фаоллиги ва масъулиятини ошириш юзасидан тегишли тавсияларни ишлаб чиқдик.



Тадбирнинг иккинчи кунини ҳам амалий руҳда ўтди. Унда иштирокчилар партия ҳаракат дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, партия молиявий-ҳўжалик фаолиятини ташкил этиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш ва бу йўналишдаги камчиликларни бартараф этиш йўллари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва давлатимиз раҳбарининг қатор қарарларида давлат сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик корпуси олдида қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариш ҳозирги кунда партия кадрлари салоҳиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятни долзарб этиб қўймоқда. Шу муносабат билан партиянинг барча бўғинларидаги ташилотлари фаолияти таққидий-таҳлилий жиҳатдан мониторинг қилинган ҳамда ўтган 2011 йилда кадрлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш мақсадида барча вилоят партия ташилотларида семинар-тренинглари ўтказилган. Партия фаолиятини янада таъминлаштириш, раҳбар кадрларнинг сиёсий, ҳуқуқий-маърифий ва иқтисодий билим-

ларини ошириш, партия мафкураси ва ҳолатини тарғиб этишнинг замонавий усул ва ёндашувлари жорий этиш мақсадида барча ҳудудий Кенгашлар раислари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари учун махсус ўқув курси ташкил этилган.

Бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, мавжуд партия кадрлари фаолиятини синчковлик билан ўрганиб чиқиш, лаёқатли кадрларни танлаб олиш, уларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва малакасини ошириш бориш тизимини таъминлаштириш партия олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётгани қайд этилди.

— Сиёсий ўқиш давомида таъкидланганидек, партиянинг ҳозирги кунда партия кадрлари салоҳиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятини долзарб этиб қўймоқда. Шу муносабат билан партиянинг барча бўғинларидаги ташилотлари фаолияти таққидий-таҳлилий жиҳатдан мониторинг қилинган ҳамда ўтган 2011 йилда кадрлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш мақсадида барча вилоят партия ташилотларида семинар-тренинглари ўтказилган. Партия фаолиятини янада таъминлаштириш, раҳбар кадрларнинг сиёсий, ҳуқуқий-маърифий ва иқтисодий билим-

Кенгашлари депутатлари фаолиятини янада таъминлаштириш, депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини яратиш, аҳоли ўртасидаги тарғибот-ташвиқот ва маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, бошланғич партия ташилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сайловлар оралиғида ва сайлов кампаниялари даврида партия қўлайдиган сиёсий технологияларни таъминлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни кенг йўлга қўйиш каби масалалар диққат марказимизда бўлди.

Тадбир давомида, шунингдек, партия аъзолари ҳисоботини юритиш тартиби, партия «Ёш адолатчилар» қаноти ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш каби масалалар юзасидан маърузалар тингланди. Кўтарилган масалалар ҳамда жойларда учраётган муаммо ва камчиликлар юзасидан ўқув курси иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Ўқув курси якунида қўрилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, фаол иштирокчиларга партия сертификатлари топширилди.

Илёс САХАТОВ, «Адолат» мухбири.

Хусусий мулк ҳимояси

инсон қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг узвий қисми

Янги қонун лойиҳаси

Мустақиллик йилларида олиб борилаётган демократик ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида одамларимиз онгида, дунёқарашида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда: улар янгича фикр, янгича — замонавий режалар, келажакка, ўзларига бўлган ишонч билан яшамолар. Фуқароларимизнинг хусусий мулкка нисбатан муносабатлари ўзгарган, улар чиройли, бой-бадавлат, тўқис ҳаёт кечиришни истаб ва шунга интилиб меҳнат қилмоқдалар, турли йўналишларда ўзларининг хусусий тадбиркорликлари-ю, оилавий бизнесларини ташкил этмоқдалар. Одамларимизнинг хусусий мол-мулки ва шунга монанд даромадлари ҳам кўпайиб бормоқда. Буларнинг барчаси, мамлакатимизда хусусий бизнес ва оилавий тадбиркорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Алоҳида таъкидламоқ лозимки, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслик керак. Чунки биз ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлидамыз. Бундай жамиятда ҳамма нарса инсон учун, унинг муносиб ҳаётини таъминлаш учун йўналтирилади. Ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий талабларидан яна бири — шу жамиятнинг барча аъзоларидаги муносабатларни тегишли қонунлар билан тартибга солишдир.

Хусусий мулкнинг давлат томонидан қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқий ҳимояси таъминламасдан туриб, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш қийинроқ кечиши жашон амалиётидан маълум. Ушбу тоифадаги қонунларда фақат қонуний — адолатли, ҳалол меҳнат билан топишган хусусий мулкнинггина давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояси таъминланиши лозим. Ҳалол меҳнат билан эришилган мулк эгаси ўз мулкнинг ҳақиқий соҳиби бўлиши, яъни хусусий мулк дахлсиз бўлиши керак. Бу инсон қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг узвий бир қисмидир.

Истиқлолга эришишимиздан аввал ватандошларимиз хусусий мулк ва ўзлари ишлаб топган ҳалол мулкларни тўғрисида ҳаттоки гапираркан ҳам ботинмас эдилар. Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб эса, инсон омилига, ҳар бир фуқарога ва табиийки, унинг ҳалол меҳнати эвазига яратилган хусусий мулкка бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Пировардида, хусусий мулкка оид муноса-

батлар тегишли қонунларимизда ифодасини топа бошладим.

Бугунги куннинг замонавий талаби ва эҳтиёжига ҳамда бу борадаги халқаро тажрибаларга кўра, хусусий мулкка оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш тақозо этилмоқда. Яъни, хусусий мулкка бўлган ҳуқуқни алоҳида, махсус қонунлар билан тартибга солишдан туриб, бозор иқтисодиётини, замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини, аҳоли турмуши фаровонлигини лозим даражада оширишни таъминлаш каби муаммоларни ҳал этиш ва инсоннинг шахсий ҳуқуқини тўлақонли таъминлаш мумкин эмас. Бир сўз билан ифодалаганда, жамият ривожланган-

ни сари хусусий мулк институти ҳам мураккаблашиб бораверади, шу билан бирга, хусусий мулк бозор иқтисодиётининг асосий, ажралмас қисми, шунингдек, инсон ҳуқуқини таъминлаш ҳамда иқтисодиётни либераллаштиришнинг қатъий шартларидан бири ҳисобланади.

Шу боисдан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид Концепцияда мустақил юртимиз тарихида амалга ошириб келинаётган ислохотларимиз халқларига ҳолисона баҳо берилиб, жамиятимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини тобора демократлаштириш вазифаси қўйилди.

Концепцияда белгиланганидек, қонуний йўл, ҳалол меҳнат билан топишган хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг ишончли, кафолатли ҳимояси — жамиятимиздаги ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила манфаати учун хизмат қилиши шубҳасиз. Қолаверса, бундай дахлсизлик ва ишончли, кафолатли ҳимоя — жамият фаровонлиги ҳамда давлат иқтисодиёти реал сектори барқарорлашувини ҳам таъминлашда катта ўрин тутади.

Шу нуктаи назардан бугунги кунда ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси хусусий мулкка те-

гишли мавжуд муносабатларни тартибга солишга ҳамда хусусий мулк эгалари ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний ҳимоясини кафолатлашга, хусусий мулк дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлашга бағишланган муҳим ҳужжатдир, дейиш лозим.

Қонун лойиҳасида жамиятнинг, фуқароларимизнинг хусусий мулк соҳасидаги барча эҳтиёжлари инobatта олинган бўлиб, унга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи мuddатсиздир ва мулкдор ўзининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича мuddат ўрнатилишига йўл қўйилмайд.

Шунингдек, мулкдорга шаклшубҳасиз фойдасиз шартларни юклаш, жумладан, мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулквий ҳуқуқларни топширишни асосиз талаб қилиш, мулкдор фаолиятига унинг мол-мулкни қўлга олишга ёки хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларидан воз кечишга мажбур қиладиган ёки мажбур қилиши мумкин бўлган ноқонуний аралашув тақиқланади.

Мухтасар айтганда, мазкур қонун лойиҳаси хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш борасидаги асосий тамойиллар ва қоидаларни мустаҳкамловчи базавий қонун бўлиб, унда конституциявий шаклларида Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасидаги амалдаги қонунчиликнинг тегишли нормалари аниқлаштирилган ҳамда жамиятимизда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва давлат иқтисодиётини янада либераллаштириш борасидаги амалий талаб ҳамда эҳтиёжлар инobatта олинган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнида ўз ролини кучайтиришни мақсад қилган Ўзбекистон «Адолат» СДП гоя ва дастурий мақсадларига ҳам тўла мос келади. Зеро, Эркинлик, Адолатлилик, Бирдамлик социал демократиянинг азалий бош шиори бўлиб келган.

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси.



Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини

таъминлашнинг аҳамияти ва зарурати

Давом. Боши 1-бетда

67-моддага биноан, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди, ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардир ва цензурага йўл қўйилмайди.

Ушбу конституциявий принциплар асосида ва илмий тараққиётимиз талаблари эътиборга олинган ҳолда аниқ мақсадга йўналтирилган қатор қонунлар қабул қилинди. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Алоқа тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир. Мазкур қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши соҳада илгари мавжуд бўлмаган ҳуқуқий институтларни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш имконини берди.

Тараққиётимиз йўлида эришляётган ютуқлар самараси ўларок мазкур соҳада ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўн беш йил аввал мамлакатимизда 475 та оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда қарийб 1200 босма ва электрон оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган.

Уларнинг 60 фоиздан ортиги мамлакатимиз ҳудудларига фаолият кўрсатмоқда. Нодавлат оммавий ахборот воситалари сони ҳам тобора кўпайиб бораётти. Айни пайтда барча телеканалларнинг 53 ва радиоканалларнинг 86 фоизи ушбу тоифага қиради.

Ахборотни янада тезкор тарқатиш имконини берадиган интернет журналистикани ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратилганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда медиа-

маконда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг юздан ортиқ веб-сайтлари фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртлари ўқув дастурига махсус курслар киритилган бўлиб, бу мазкур соҳада меҳнат қилаётган журналистлар сафини кенгайтиришга ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай микдор ўзгаришлари билан бирга, жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-моҳияти, мавзу доираси замон талабларига мос бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётти.

Ҳар қандай жамиятда ахборот — жамият ривожланишининг ойнаси, аҳоли онгини, дунёқарабини шакллантирувчи асосий восита ҳисобланади. Шу нуктаи назардан оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаси — мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни атофимизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги, жамиятимизни янада эркинлаштириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ҳолисона ёритишдан иборат. Зеро, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи — инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарт, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Шу сабабли Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида оммавий ахборот воситалари фаолиятида бозор механизмларини такомиллаштириш, ахборотдан эркин ва тенг фойдаланишни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошкоралик принципи-

ни амалга ошириш, жамоат ва парламент назоратини кучайтиришда уларнинг ролини ошириш учун самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга алоҳида эътибор берилди.

Дарвоқе, Концепцияда айтиб ўтилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш, шунингдек, амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш, шубҳасиз, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидagi ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 2011 йилдан замонавий, кенг поласоли ва оптик технологияларни жорий қилиш асосида телекоммуникация тармоғини жадал ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш белгиланди. Бунинг ҳисобидан Интернетга киришнинг ўтказувчанлик имкониятлари бир неча марта ошадди ва ундан фойдаланувчилар сони янада кўпаяди.

Мухтасар айтганда, Концепцияда белгиланган берилган вазифаларнинг амалга оширилиши — фуқароларнинг сўз ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўбга чиқаришда ва жамиятимизни демократлаштириш жараёнида муҳим қадам бўлади, аниқроғи бу соҳада янги босқични бошлаб беради.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинг институти
бош илмий ходими,
юридик фанлар номзоди.

Ёшлар бандлиги муҳим масала

Депутатлик гуруҳи

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг муҳим шарт, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш имкониятидир. Бундай назоратга эришилган жойда одамлар мансабдорлар, мутасаддилар, бошқарув органлари вакилларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига, мансабларини суистеъмол қилаётганларига, қонун талабларининг бузилишига ва шу каби бошқа салбий ҳолатларга берафқ бўлмайдилар.

Шу нуктаи назардан Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши партиядан сайланган маҳаллий кенгашлардаги депутатлари томонидан муайян масалалар юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзолари шаҳардаги коллеж ва академик лицейлар битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёшларни ижтимоий жи-

хатдан ҳимоялаш борасида ижро ҳокимияти органлари томонидан олиб борилаётган ишлар аҳолини яқиндан ўргандилар. Ўтазилган назорат-таҳлил жараёнида айрим коллежларда ўқувчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти талабга жавоб бермаслиги, бу борада коллежлар маъмурияти томонидан етарлича иш олиб борилмагани, баъзи ўқувчилар ўзлари яшайдиган маҳалла номини ҳам билмасликлари аниқланганлигини таъкидлашди.

Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутати

Р.Дастиров шаҳарда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш аҳоли юзасидан маълумот берди.

Жорий йилда Чирчиқ шаҳридаги мавжуд билим юрталарини 2894 нафар ёш йигит-қиз битириб, меҳнат бозорига қадам қўяди. Битирувчиларнинг 1544 нафари чирчиқлик. Уларни тўлиқ иш билан таъминлаш маҳаллий ижроия ҳокимияти ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг назорати остидаги энг муҳим вазифалардан.

— Ҳозирда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар 100 фоизга уудланди. Бироқ уларнинг ижроси устидан депутатлик гуруҳларининг назорати ўрнатилмас экан, шартномаларнинг муайян қисми қозғола қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Негаки, битирувчиларнинг тўлиқ ишга жойлашгани борасида рақамларнинг сохалаштирилгани ҳолатлари тажрибада учраб туради, — дейди депутат Р.Дастиров.

Йигилишда, шунингдек, ёшлар маънавиятини кучайтириш, улар онгига ёт гоёларга қарши иммунитетни шакллантиришда, тарбиясини мустаҳ-

камлашда маҳаллалар фаолларининг ҳам жамоатчилик назорати функциясида кенг фойдаланиши кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзолари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг ҳар бир йўналиши мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштиришга, халқимиз ҳаётини янада фаровонлашувига, миллатнинг келажаги бўлган ёш авлод тарбиясига хизмат қилиш хусусида маълумот берди.

— Бу муҳим ҳужжатда илгари сурилган гоёлардан бири мамлакатимизда самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва бу назоратнинг ҳуқуқий асосларини яратиш тақдифи жамиятимизда демократик тамойилларни янада мустаҳкамлаш муқаррар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида"ги Қарорига асосан мамлакат иқтисодиётини янада барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг ишончли ҳуқуқий кафолатлари яратилди ҳамда жорий йилда бир неча солиқ турлари ставкалари камайтирилди.

Қанча солиқ тўлашингизни биласизми?

Жумладан, 2012 йилнинг 1 январидан аҳоли даромадларига солиқ юкни камайитириш ва уларнинг харид қобилиятини ошириш мақсадида, жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солигининг энг кам ставкаси 2011 йилга нисбатан 1 фоизга камайиб, 9 фоиз этиб белгиланди;

— жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари турар-жойлар, квартиралар (шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.м.дан кам бўлганлари), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотларнинг инвентаризация қийматига нисбатан 0,9 фоиз миқдорда, шаҳарларда жойлашган турар-жой ва квартиралар умумий майдони 200 кв.м.дан ошқ ва 500 кв.м.гача бўлганлари 1,1 фоиз миқдорда ва 500 кв.м.дан ошқ

бўлганлари 1,35 фоиз миқдорда белгиланди;

— уй-жойларнинг 1 кв.м. учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ижара тўловининг энг кам миқдорини унинг жойлашган жойига қараб табақалаш яъни Тошкент шаҳрида — 3,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят шаҳарларида — 2,0 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида — 1,0 минг сўм ижара тўлови ундирилиш белгиланди;

— яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар жумладан, маиший хизматлар фаолиятини амалга оширувчиларга 2011 йилда белгиланган 5,5 минимал иш ҳақи солиқ тўлови жорий йилда 3,5 минимал иш ҳақи қилиб белгиланди, сартарошлик хизмати 6,5 минимал иш ҳақи солиқ тўлови жорий йилда 4,0 минимал иш ҳақи қилиб белгиланди.

оширувчиларга белгиланган 5,0 минимал иш ҳақи солиқ тўлови жорий йилда 2,0 минимал иш ҳақи қилиб белгиланди, юкларни автомобиль транспортида ташин — 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 5,5 минимал иш ҳақи солиқ тўлови жорий йилда 2,0 минимал иш ҳақи қилиб белгиланди, 8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 9,0 минимал иш ҳақи солиқ тўлови жорий йилда 3,0 минимал иш ҳақи қилиб белгиланди, 8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун 13,0 минимал иш ҳақи солиқ тўлови жорий йилда 4,0 минимал иш ҳақи қилиб белгиланди.

Ж.МАҲМАДУСОВ,
Ҳамза тумани ДСИ
бўлим бошлиғи.

Сиёсат

Энергетика соҳасидаги
замонавий технологиялар

истеъмолчиларга қулайлик яратиб, уларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилади

Фракция ташаббуси

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартиби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергия бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, қолаверса, уй-жой-коммунал комплекси фаолиятини яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ана шу дастурий мақсадлар ижросига бағишланди. «Электроненергетика соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш асосида ҳисоб-китоб, тўлов ва хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари» мавзусига бағишланган давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлик Маҳкамаси, тегишли вазирликлар, Марказий банк департаменти, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари ҳамда Ўзбекистон СДП Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари раислари ва партия фаоллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида истеъмолчиларга электр энергиясини etkazиб бериш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича яратилган «Электр ҳисоб» дастурий комплекси ҳақида маълумот берилди. Таъкидланганидек, ушбу дастур «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзбекэнерго» ДАК компанияси ва «Фидо-Бизнес» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда яратилди. Тест режимида Наманган вилоятида амалда сынаб кўрилган мазкур тажриба ҳозирги вақтда Тошкент

шаҳрининг электр таъминот қорхоналарида синовдан ўтказилмоқда.

— Мазкур электрон дастур истеъмолчиға фойдаланган электр энергияси учун республикамизнинг исталган жойидан тўловни замонавий ахборот коммуникация воситалари орқали амалга ошириш ҳамда энерготўловнинг қорхонаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар тезкорлигини оширишга хизмат қилади, — деди «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Б.Тешабоев. — Бу орқали илгари истеъмолчилар билан электр энергияси учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда юзга келган мураккаб ҳужжат айланиши, навбат кутиш, қолаверса, операторларнинг абонентлар ҳисоб-китобини юритишдаги қатор қийинчиликлар бартараф этиладиган бўлди.

«Электр ҳисоб» дастурининг яратилиши etkazиб берилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида ва самарали йиғиш, инсон омилнинг ҳисоб-китобга ва



тўловларнинг ҳаққонийлигига салбий таъсирини камайтириш имконини беради. Бунинг натижасида маълумотларнинг тезкор etkazилиши ва электр энергияси учун қулай тўлов турларининг тақдим этилиши истеъмолчилар ишончини оширади.

— Дастур On-Line технологиялари воситасида истеъмолчиларга шахсий кабинет ва SMS-хабар орқали тезкор ахборот тақдим этишни автоматлаштиради, шунингдек, реал вақт режимида энергиянинг тежаш қорхоналари ҳо-димларнинг вазифаларини ўз вақтида бажаришини мониторинг қилиш имконини беради, — деди «ЭнергоАБТсозлаш» функционал филиали директори Ф.Шамшиев. — Ҳар бир истеъмолчи компаниянинг асосий портали орқали шахсий кабинетдан фойдаланиш имконига эга. Унга ҳисоб рақамнинг жорий балани, келиб тушган маблаг, ҳисоблаш приборларидан олинган кўрсаткичлар, ҳисоб-китоб ва тўлов дафтарларнинг жорий аҳоли тўғрисида ахборот ки-

ритилган. Истеъмолчи, шунингдек, ҳисоблаш приборидаги кўрсаткич-ни кўриш, уни алмаштириш учун монтер, инспекторни чақиришга ариза бериши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси электр энергияси истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини оширади.

Истеъмолчи ўз хоҳишига асосан тўловларни On-Line тизимида тижорат банклари, «Ўзбекистон почтаси», PAYNET ва SMS тўлов каби пул тўлашнинг автоматлаштирилган тизимлари орқали амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Унга кўра, истеъмолчи бошқа туман ёки шаҳарда туриб ҳам фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ тўлай олади.

On-Line тизимида ишлатилган электр энергияси учун тўловларни қабул қилиш маълумотларни қайта ишлаш маркази томонидан таъминланади. Тўловларни қабул қилиш ягона схема бўйича амалга оширилади. Тўловлар ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида кири-тиш ва унинг тез фурсатда келиб тушишини таъминлайди. Тўловлар ҳақидаги ахборот, истеъмолчи ҳақидаги маълумотлар текширилиб, реал вақт режимида кирилади ва бу турли ҳатоларнинг олдини олиш имконини беради.

Тўловни бажариш, шунингдек, тўловни қабул қилиш пунктлари тизим оператори қиритган ҳисоб рақам, исм-шариф, яшаш манзили, охириги тўлов, тўлов вақтидаги қардорлик ҳақидаги маълумотлар орқали тўловларнинг ҳатосиз тўғри келиб тушишини таъминлайди.

Бундан ташқари, дастур марказлаштирилган ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш ДСИ, Молия Вазирлиги газначилиги каби ташки тизимларида ва тўлов тизим-

лари билан ҳамкорликда ишлаш, суларга қардорлигини ундириш тўғрисида даъво кириштиш каби имкониятларни беради. 2015 йилгача «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг барча абонентлари электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимга etkazилиши режалаштирилган.

Давра суҳбатида, шунингдек, ўзбек дастурчилари томонидан яратилган «SMS тўлов» миллий дастурининг афзалликлари ҳақида иштирокчиларга бевосита мисоллар асосида батафсил маълумот берилди.

Иштирокчиларнинг мазкур тизимни ишга туширишнинг ҳуқуқий асослари, замонавий ахборот технологиялар маҳсули бўлган дастурий комплексни ишга туширишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан берган саволларига мутахассислар томонидан тегишли жавоблар берилди.

Тадбирда кўтарилган масалаларнинг Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий ҳолатига тўла мос эканлиги таъкидланган ҳолда, энергия тежамкорлигини ошириш ва истеъмолчиларга қулайлик яратишга қаратилган мазкур тизимнинг афзалликлари ҳақида аҳоли орасида кенг тушунириш ишларини олиб бориш, унга партия фаолларини жалб қилиш ва партиянинг жойлардаги ҳудудий ташкилотлари томонидан қўллашнинг келиши олинди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

Ўз-ўзини танқид

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Хоразм вилояти Кенгаши, унинг ҳудудий ташкилотлари мавжуд имкониятлардан нечоғли самарали фойдаланишмоқда? Партиянинг қўйи тузилмалари фаолияти давр талабларига жавоб бера оладими? Фаолият самарадорлигини ошириш ва партиянинг омма орасидаги мавқеини янада юксалтириш, электорат манфаатларини қатъий муҳофиза қилиш йўлида қандай амалий ишлар олиб боришмоқда? Аъзолик бадали тушуми қай даражада?.. Шу ва бошқа саволларга Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши фаоллар йиғилишида Хива тумани партия ташкилоти мисолида атрофлича жавоб изланди. Эришилган ютуқлар эътироф этилиб, фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликлар рўй-рост айtilди.

Фаоллар йиғилишларида

ўтган даврдаги фаолиятни чуқур таҳлил этиш, сарҳисоб қилиш, масалага танқидий руҳда ёндашиш муҳим аҳамият касб этади

— Шубҳасиз, сиёсий партияларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини бугунги кун талаблари ўзи тақозо этмоқда, — деди вилоят партия Кенгаши раиси Н.Эшметов. — Партия фаолларидан, депутатлардан мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда алоҳида ҳимоятчилик ва фидойилик, ислохотларга нисбатан юксак дахлдорлик ҳисси талаб этилмоқда. Аввало, сиёсий партиялар эмин-эркин фаолият юритишлари учун мамлакатимизда барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, сўнгги йилларда партияларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, фаолият қўламини ва сифатини ошириш борасида янги имкониятлар юзга келди. Бироқ шуни очик тан олиб айтиш керак, бугунги кунда мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмапмиз. Ҳали-ҳануз фаолиятимизда айрим камчиликлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, Хива тумани партия ташкилотиде партиянинг асосий бўғини, таянчи саналган бошланғич ташкилотлари фаоллиги ўнчалик сезилмапти. Шу билан бирга, мазкур ҳудудда БПТни муносиб кадрлар билан таъминлаш бора-сида ҳам муайян ишлар амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблайман. Тўғри, амалий саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги пайтда туманда партия аъзолари сафи кенгайиб, БПТлар сони ортиб борапти. Аммо бажарилиши керак бўлган ишлар ҳали кўп.

Хива тумани партия ташкилоти амалий тадбирлар etkazиш ва уларнинг самарадорлиги борасида олдинги қаторларда туради. Масалан, ўтган Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилида тумандаги қатор маҳаллаларда

ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижаси ўлароқ ўнлаб оилалар ўз бизнесларини йўлга қўйдилар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси, партия ҳолати тарғиботига бағишланган тадбирлардан сўнг партияга мурожаатлар сони кўпайди. Бироқ бу мисоллар туман партия ташкилоти фаолиятини камчиликлардан холи дейиш-мизга асос бўла олмапти. Чунки жорий йилда йўл қўйилган айрим камчиликлар ана шундай фикр-лашга мажбур қилмоқда.

Фаоллар йиғилишида БПТ фаолиятдаги камчиликларни бартараф этиш, вазиятни соғломлаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар берилди.

— Маълумки партия фаолиятини кучайтиришда кадрлар салоҳияти муҳим ўрин тутати, — деди вилоят партия Кенгаши раиси ўринбосари З.Осупова. — Шу билан етакчилар ва захирага қўйилган партия фаолларини сардорлик, ташкилотчилик хислатларини ошириш ҳамда ўзаро тажриба алмашишни мақсадда экскурсиялар уюштириш, шу жараён билан боғлиқ ўқув машғулотлари ташкил этиш лозим.

Анжуман сўнггида Хива тумани партия кенгаши фаолиятини жорий йилнинг апрель ойи биринчи ўн кўнлигиде вилоят партия Кенгашининг ижрокўм йиғилишида кўриб чиқиш тақлифи маъқулланди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
таъбуот хизмати.

ХДП: кеча демократ, бугун социал-демократ ва
либерал. Эртага-чи?

Партиялараро рақобат

Бугун мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан кўра масъулиятли вазифалар юклатилаётир.

Айниқса, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида тегишли қонунлар киритилаётган ўзгаришлар ҳамда «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайгани, улар учун том маънодаги масъулиятли жараёнлар кечадиган кенг сиёсий майдон яратилганини кўрсатди. Ўз навбатида мазкур ислохотлар самараси ўлароқ, бугун соғлом, конструктив партиялараро рақобат жонланаётгани кузатилмоқда. Қонунчилик палатасида фракциялараро рақобат тобора авж паллаға киргани парламент қўмиталаридаги тортишувлар ва кескин муҳокамаларда яққол кўзга ташланмоқда. Сиёсий партияларнинг турли учрашув ва йиғинларда, партиялар нашрларида янграётган хилма-хил фикр-мулоҳазалар ҳам партиялараро рақобатга замин яратмоқда, дейиш мумкин. Аммо айрим партиялар etkazайтган тадбирлар, унда кўтарилаётган тақлиф ва ташаббуслар одамларни чалғи-

тишга хизмат қилаяпти, холос. Айниқса, ЎзХДПнинг гоҳ у, гоҳ бу ғояларга эргашаётгани ҳақли равишда уларнинг қандай ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатини ифода этишлари хусусидаги мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Маълумки, 1995 йилда ташкил этилган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси социал демократия мафкурасини ўз ғоявий қарашини сифатида эълон қилган бўлса, яқин пайтларгача ўзини сўл қанот партия деб ҳисоблаб келатган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам социал-демократия ғоясини кейинги пайтларда дадил илгари сурга бошлади.

ХДП дастурининг янги таҳририда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳоли орасида сиёсий ва маърифий ишларини олиб боришда социал демократия мафкурасига таяниши ва шу мафкурага асосланган амалий ҳаракатлар унга жамиятнинг бошқа сиёсий қучлари билан курашда етакчиликка эришиш имкониятини беришига ишонади» дейилади. Бироқ телевидение орқали намоиш этилаётган информаци-он дастурларда ёки ХДП нашрида эълон қилинаётган аксарият мақолаларга эътибор қаратсак, мазкур партиянинг

ҳамон аниқ ғоя ва мафкурадан узоқ ашаётганига гувоҳ бўласиз. Газета саҳифаларида кичик ва хусусий бизнеснинг ҳимоясига бағишланган мақолалар шу даражада кўпайиб кетдики, ХДП кимнинг манфати ҳимоясини, тadbиркорларнинг ёки кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг, деган табиий савол туғилапти.

Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида «Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ресурс ва инфратузилмани ҳисобга олган ҳолда шаҳар ва туманлар инвестицион дастурларини амалга ошириш бўйича муқобил лойиҳаларни тузиш борасидаги вазифалари» мавзусида ўтказилган семинарда ХДПнинг ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик, демократия ва озодлик мафкурасини кўз-кўз қилган ҳолда тадбирга асосан тadbиркорларни жалб этгани ҳам кишини таажублантиради.

Бу эса ҳақиқатан ҳам ХДПнинг ногиронлар, кам таъминланган, у ёки бу сабаб билан иш ўрнини йўқотган ёхуд айрим мутасаддиларнинг лоялиги туфайли муаммосини ҳал қила олмаи сарсон юрган юртдошларимиз ҳақида эмас, кўпроқ тadbиркорлик масаласини бош масалага айлантираётганини исботлайди.

Ҳозирги даврда ҳар бир партиянинг ўзига хос сиёсий мафкурага эга бўлиши, барча аъзолари учун ана шу умумий маслакка таяниш таомилга кирганини инобатга олсак, ХДПнинг мафкуравий концептуал стратегияси тушунарсиз

бўлиб қолаётгани яққол кўзга ташланади. Дунё тажрибаси синовларидан ўтган аниқ бир мафкуравий ғояни (социалистик, социал демократик, либерал, консерватив ва ҳ.к.) ўзига сиёсий мафкура сифатида танлаб олмагани туфайли ҳам ХДПнинг дастурий мақсадлари бир неча мафкуралар аралашмасига айланиб қолгани эктимождан холи эмас. Натижада ХДП кеча сўл эди, бугун либерал, эртага-чи... қабилидаги кинояли саволлар туғилиши турган гап.

Ваҳоланки, 2010 йил 27 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисида партиялар ўртасидаги бахс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши лозимлиги, айнан шунинг учун ҳам улар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга эътибор қаратишлари кераклиги алоҳида таъкидланган эди.

Мана, орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтибди ҳамки, мазкур дастурий маърузада белгилаб берилган асосий йўналишлар, устувор вазифалар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Хусусан, «халқ партияси» номи билан яшаётган ХДП фаолиятида профессионал, амалий негизда сиёсий курашиш, ўз электорати муаммоларини атрофлича таҳлил этиш ва уларнинг ечимини бўйича муайян тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни парламент ва ҳукумат даражасига олиб чиқиш масаласида бепарволик кўзга ташланаётгани, ўзининг муҳолиф

тақлифларини ўртага ташлаш олмаётгани кўриниб қоляпти. Энг ёмони, партия фаолиятида куруқ, баландпарвоз шиорлар, тadbирбозлик ҳукмрон бўляпти, холос. Замонавий сиёсатшунослар таъкидлаганларидек, сўл партиялар оммавий тадбирлар etkazишга мойилроқ бўлар экан-у, илгари сураётган тақлиф ва ташаббусларни амалга татбиқ этишга келганда сусткашликка йўл қўяр экан. Балки шунинг учундир, ХДПчилар биз аҳолининг кам таъминланган қисминини ҳимоялаш учун ундок қилапмиз, бундоқ қила-япмиз, дейишяпти-ю, бажарилиши керак бўлган вазифалар, мақсадлар кўпроқ қоғозда қолиб кетаяпти. Партиявий-сиёсий жараён — бу мавсумий иш эмас. Ҳар қандай ташкилотнинг ҳаракати жиддий амалий фаолиятда кўринади. Бугун телевидение дастурларида асосан ХДП etkazайтган назарий ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга эътибор қаратишлари кераклиги алоҳида таъкидланган эди.

Мана, орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтибди ҳамки, мазкур дастурий маърузада белгилаб берилган асосий йўналишлар, устувор вазифалар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Хусусан, «халқ партияси» номи билан яшаётган ХДП фаолиятида профессионал, амалий негизда сиёсий курашиш, ўз электорати муаммоларини атрофлича таҳлил этиш ва уларнинг ечимини бўйича муайян тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни парламент ва ҳукумат даражасига олиб чиқиш масаласида бепарволик кўзга ташланаётгани, ўзининг муҳолиф

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ХДП вакиллари кўпчилик ўринларини эгаллашган. Аммо ўринни эгаллаб ўтириш, манманлик билан иш битмайди. Зеро, сайловчи депутатлик гуруҳларидан амалий ишларни кутмоқда. Қолаверса, мазкур партиянинг барча даражадаги маҳаллий Кенгашларда депутатлик гуруҳлари фаолият кўрсатапти. Хусусан, маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини, тўлақонли депутатлик назоратини йўлга қўя олмаётганлари, ҳудудларнинг ижтимоий муаммоларини ечишда ХДП вакилларининг низоҳатда тор доирада ҳаракат қилаётгани, дастурий вазифаларини бажаришдаги тажрибасизликлари яққол сезилиб қолмоқда. Маҳаллий ижро ҳокимияти органларида ҳам ХДП вакиллари кўпчиликни ташкил этаётганлиги сабабми, рақобатчи партия улар билан мurosасозликка бориб, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилида иш юритмоқда. Аслида ҳар қандай партия жамиятда мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонларни тузатишга, уларга ҳукумат эътиборини қаратишга интилиши, жамиятнинг хато ва камчиликлардан муҳофиза қилиши керак эмасми ахир? Бизнингча, 2009 йилги сайловларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўпчилик ўринларни қўлга қиритган партия Конституциявий қонундаги давлат идоралари ва ижроия ҳокимият устидан жамоат назоратини ўрнатилга қаратилган ҳуқуқидан етарлича фойдалана олмапти. Бунинг оқибати ўлароқ, бўшаб қолган ўрин-

ларга etkazилаётган маҳаллий сайловларда ХДП мавқеига путур етаяпти. 2004 йилдан бери ўзини мамлакат сиёсий қучларининг сўл қаноти деб атаётган тажрибали партия бирон-бир аниқ ва аризли масалада муҳолиф ҳолда алтернатив ташаббусларни илгари сурмаганлиги нафақат рақобатчи партиялар, балки оддий сайловчилар орасида ҳам бежиз таъкидланмапти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш, иқтисодиётнинг ривожланишида рақобат қанчалар муҳим бўлса, сиёсий ҳокимият учун кураш, демократик сайловлар воситасида парламентда кўпроқ ўрин эгаллаш учун партиялар ўртасидаги сиёсий рақобат ҳам шунчалар муҳимдир. Зеро, бу рақобат сиёсий муҳитни соғломлаштиришга, сиёсий бошқарувни янада такомиллаштиришга яқиндан ёрдам беради. Кенг жамоатчилик ўртасида ижтимоий адолатнинг қарор топишига хизмат қилади, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётига ишончини вужудга келтиради. Ҳар қандай сиёсий партия ўз электорати манфаатларини кўзлаб, бўла-жақ сайловларда кўпроқ овоз олиш, ўрин эгаллаш мақсади билан сиёсий майдонга тушган ҳокимият учун кураш олиб бораётган экан фаолияти — қилаётган ишлари, ҳаракати, интилишлари шунга муносиб бўлиши лозим.

А. АБДУЛБОКИЕВ.

Фаровон келажак сари дадил қадам

Давом. Бош 1-бетда

Ёшлар тарбияси мамлакатимизда истиқлол арафасидаёқ муҳим ва масъулиятли вазифа сифатида кун тартибига кўйилди. Бунинг боиси, она диёримиз қадим замонлардан бери илмга чанқоқ, зеҳни ўткир, бир эмас, бир неча тилларни чуқур эгаллаган, бир неча соҳаларда илмий кашфиётлар қилиб, жаҳон тамаддуни ривожига ҳисса қўшган ёшларга бой бўлган. Давлатимиз раҳбари бу буюк маънавий салоҳиятни сақлаш ва янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериб, ёшларга доир сиёсатни давлат мақоми даражасига кўтарди.

Собиқ тузум шароитида таълим ва тарбия уйғунлигига деярли эътибор берилмади, педагогик фаолиятда сифат эмас-сон, натижа эмас-ҳайбаракалларча кўрсаткичлар муҳим бўлиб қолди. Соғлиқни сақлаш, олий ва ўрта махсус таълим, мактабгача тарбия соҳалари ҳар жиҳатдан мушкул аҳволга тушиб қолганди. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи эски, нобоб биноларда жойлашгани, оддий ўқув куроллари, зарур жиҳозларнинг етишмаслиги, миллий кадриятларга, хусусан она тилига эътиборнинг сустлиги ўқув-тарбия ишининг сифатига салбий таъсир кўрсатарди. Миллат вакилларининг дунё миқёсида ўтказиладиган нуфузли танловларда қатнашиши, хорижий ўқув юртларида тахсил олиши, олимпиадаларда билимини намойён этиши орзу эди, холос. Бундан-да ачинарлиси, қишлоқ мактаблари ўқувчиларининг бир қисмини, аниқроғи, фанларни яхши ўзлаштира олмаётганларни мажбуран хунар-техника би-

лим юртларига юбориш, яъни жазолаш одат тусини олганди. Ўз умрини яшаб бўлаётган тузум учун ёшлар тарбияси билан шуғулланишдан кўра зуғум ва зўравонликка асосланган иттифоқни сақлаб қолиш муҳим эди.


Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда қатор жамоат ташкилотлари, жумладан "Соғлом авлод учун" жамғармаси тузилди, мустақил давлатимизнинг биринчи ордени ҳам шу ном билан аталди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Мамлакатимиз раҳбарияти бу билан мамлакат, миллат келажаги истиқлол тамойиллари асосида тарбия топаётган ёшлар — янги баркамол авлодга боғлиқ эканлигини уқтирарди.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётини янгилаш, янги бошқарув тизимини жорий этиш, халқимизнинг азалий қадриятлари, шаън-шавкати, тили ва дини, гурур-ифтихорини тиклаш, жой-жойига қўйиш, ўтмиш тарихимизга оид сохта талқин ва айбловлардан қутулиш, буюк аллома аждодларимизнинг илмий, маънавий-матрифий меросидан баҳраманд бўлиш орқали янги авлодни, янги дунёқараш ва тафаккур эгаларини — миллатимизнинг эртанги буюк келажакни тарбиялаш бу даврнинг мураккаб, аммо шарафли вазифаси бўлиб қолди. Бу вазифа ўтиш даврида бўлгани каби, бугун ҳам долзарб аҳамият касб этиб турибди. Бунга наинки ўзимиз, жаҳон жамоатчилиги, таълим соҳаси мутахассислари ҳам ишонч ҳосил қилишган.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатимизнинг келажак сари дадил қадам"

ни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияда ўз-ўзидан таълим ва ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашнинг миллий моделини яратиш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг эллика яқин давлатларидан келган таълим соҳасининг йирик мутахассислари, таниқли олимлар томонидан юксак баҳоланди. Улар мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг тобора ўсиб бораётганига, ҳозирги шароитда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида юксак ижобий натижаларга эришишда билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч эканлигига Ўзбекистон мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Таълим соҳасида мамлакатимизда жорий этилган 9+3 схемаси бўйича янги 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими ва унинг буғунги ижобий натижалари, молиявий-иқтисодий инқироз дунё мамлакатлари иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб турган бир пайтда Ўзбекистонда бу соҳа жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани мутахассис ва олимларда жиддий қизиқиш уйғотди. Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этишини, мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб



60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганини юксак баҳолади. "Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари таҳсинга сазовордир," деб таъкидлади у.

Мустақиллик йилларида янги жамиятнинг янги дунёқарашга эга ёш авлодини тарбиялаш борасида эришилаётган ютуқларни мамлакат халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида кўриш мумкин. Ёшлар буғун мамлакат ижтимоий-сиё-

сий ҳаётида, бошқарувда, илм-фан, саноат, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, маданият, санъат ва спорт соҳаларида етакчи мавқега эга бўлиб туришибди. Қатор йиллардан бери муттасил ўтказиб келинаётган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари ёшлар, айниқса, талабалар орасидан мамлакатимиз шаън-шавкати оширадиган, мустақил Ўзбекистон номини дунёга танитадиган маҳоратли,

эътиқоди мустаҳкам спорт усталарининг етишиб чиқишида ҳамда мустақил ҳаётга кириб келаётган фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлишларида катта аҳамият касб этмоқда. Сиёсий партиялар, хотин-қизлар ташкилотларининг ёшлар қаноти ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол ҳаракат қилмоқда. Янги авлод халқаро сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни, банк ва молия тизимини, бизнес ва сервис соҳасини чуқур ўрганиб, бу борада юксак натижаларга эришмоқдалар.

Ёшлар дунёқарашини тўғри шакллантиришда уларнинг миллат тарихи ва ўтмишини нечоғли яхши билиши, яқин-ўтмишда кечган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри англаши гоётада муҳим. Шу боис, истиқлол йилларида туғилиб ўсган ёшларга халқимизнинг мустақил тузум шароитида кечган ҳаётини, ота-боболаримиз бошига тушган мислсиз жафоларни, мустақиллик арафасидаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни, мамлакатимизда истиқлолимизнинг дастлабки қадамлари қандай кечганини, бу буюк неъматни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама чуқур тушунтириб бериш бугунги куннинг муҳим ижтимоий ва тарбиявий вазифаси ҳисобланади. Бу ишда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақиллика эришиш осонасида" асари ёшлар мураббийлари, тарғиботчилар, сиёсий партиялар, маданият намояндалари, жамоат ташкилотларининг воизлари, маҳалла фаоллари учун бебаҳо дас-туриаламал бўлади.

М. АХМЕДОВ.

Ўқишдан — ишга

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унда ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили Ҳамза туманида жойлашган беш коллежда 2182 нафар мутахассис тайёрланиб, улардан 1971 нафари ишга жойлаштирилди, 95 нафари эса олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқда.

Ҳамза туманидаги Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги касб-хунар коллежида битирувчиларни амалиёт ўтаган ташкилотларига ишга жойлаштириш масаласига катта масъулият билан ёндашилмоқда. — Коллежимиз 2010 йилдан буюн меҳмонхона ҳўжалиги ва туризм йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаб келмоқда, — дейди коллеж директори Рўзимурод Ғоипов. — Ҳозирги вақтда коллежда 914 нафар ёшлар тахсил олмақда, улар бу ерда нафақат кенг қамровли назарий билимларни, балки амалий кўникмаларни ҳам эгаллайди, бу уларнинг келгусидаги иш фаолиятида қўл келади.

Мутахассисларни тайёрлашда энг катта эътибор таълими иқтисослаштиришга қаратилаётди. Бу ерда туризм соҳаси учун мутахассислар билан бирга ошпазлар ва қандолатчилар ҳам тайёрланади. Маълумки, меҳмонхона бизнесида умумий овқатлашни даражаси ва сифати муҳим роль ўйнайди. Шу боис мазкур соҳада миллий ва хорижий таомлар тайёрлаш бўйича мутахассислар, нововий ва қандолатчилар, ресторан ва меҳмонхона ҳўжалиги менежерлари, бармен ва официантларга талаб катта.

Ҳозирги кунда 203 нафар битирувчи иш бериувчилар билан уч томонлама шартномаларни имзолади. Коллеж ўнга яқин фирма ва корхоналар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири.

«НАМАНГАНПАХТАСАНОАТ» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси

серқуёш ўлкамизнинг кўпмиллатли
халқини яшариш рамзи бўлган
кўҳна ва навқирон
НАВРЎЗ АЙЁМИ
билан муборакбод этади!

Ушбу фарахли кунларда ҳар бир
хонадонга осойишталик,
тўқин-сочинлик тилаймиз.



«ФАРҒОНАПАХТАСАНОАТ» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси

мамлакатимиз халқини уйғониш ва яшариш, гўзаллик ҳамда
нафосат, саховат ва мурувват рамзи бўлган

Наврўзи олам
билан муборакбод этади!

Барча
юртдошларимизга
сиҳат-
саломатлик,
яхши кайфият ва
омад
тилайди.



Мустаҳкам ва хавфсиз иншоот қурилиш маҳсулоти сифатига боғлиқ

Фаолият

Юртимизнинг барча ҳудудларида бугунги кунда улкан бунёдкорлик, қурилиш, ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Табиийки, ушбу жараёнда қурилиш материалларига талаб ҳам ортиб боради. Бу қувончли ҳол албатта. Бонси, ишбилармонлар сони, маҳсулотлар тури кўпайиб, мамлакат иқтисодиёти ривожига сезиларли ҳисса қўшадилар.

Маълумки, барпо этилаётган ҳар қандай иншоот ва бинолар ташқи таъсирларга чидамлилиги, сейсмик силкинишларга бардошлилиги, яшаш учун хавфсиз ва амалдаги архитектура-қурилиш талаблари даражасида бўлишлиги лозим. Бу эса ўз навбатида

қурилиш ва қурилиш маҳсулотларининг сифатли хомашёдан тайёрланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада Қашқадарё вилояти Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекцияси ҳузуридаги қурилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш

идораси муайян ишларни амалга ошириб келаётир. Хусусан, идора томонидан қурилиш объектларида фойдаланилаётган қурилиш материаллари, жумладан, тупоқ, қум, шағал, цемент, бетонлардан олинадиган кубик намуналари, сопол, ғишт ва арматура кабилар синов лабораторияга келтирилиб, сифати назорат қилиб борилади. — Қурилиш объектларидан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳам ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз, — дейди идора раҳбари Хонназар Ойназаров. — Маҳсулотларнинг геометрик ўлчамлари, ташқи нуксонлари борасида назорат ишлари жойида бориб амалга оширилади. Қолган кўрсаткичлар эса лаборатория



шароитида ойдинлашади. Умуман, ўтган 2011 йил давомида 112 та ишлаб чиқарувчи корхоналарга маҳсулот учун 256 та синов баённомалари тақдим этилиб, 192 донa мувофиқлик сертификати берилди. Демакки, қурилиш маҳсу-

лотлари сифатига эътибор қаратсак, барпо этаётган иншоотларимизнинг мустаҳкамчилигига эришган бўламиз.

Давур ЖОЗИЛОВ, “Adolat” мухбири.

Биз сифатни бошқарамиз

Кундалик мулоқотимизда «мувофиқлик сертификати», «стандарт», «сифат менежменти», «халқаро сифат» каби терминлар анчайин оммалашиб бормоқда. Бугунги жадал иқтисодий ривожланиш босқичида ҳар қандай ишлаб чиқарувчи бундай тушунчалардан йироқ бўлса, рақобат бозорида ўз макенига эриша олмайди, истеъмолчи эса замонавий танлов, юксак харид имкониятларини бой бериши мумкин. Шундай экан, амолдоги конунқондаларга амал қилган ҳолда, тараққиёт сари интилоғимиз, соҳага оид халқаро талабларни ўзлаштирмоғимиз лозим.

Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ҳам «Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар ижроси юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

Хусусан, марказ томонидан ўтган йил давомида сертификатлаштириш миллий тизимида белгиланган тартибда асосан 643 та мувофиқлик сертификати берилган. Қувончлиси, узлуксиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш натижасида айнан вилоятда жойлашган корхона ва тадбиркорларга 208 та мувофиқлик сертификати тақдим

этилгандир. Демакки, юртимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, саноат, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар нафақат ички бозор, балки халқаро майдонларда ҳам рақобатбардошлик учун изчил ҳаракатдалар. Бугунги кунда муҳим мақсадлардан — вилоят корхоналарининг экспорт имкониятларини кенгайтиришда маҳсулотнинг сифати муҳимлигини ҳисобга олиб, Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси ISO9000 халқаро стандартларга асосланган маҳсулот сифати ва менежмент тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Марказ мутахассислари ушбу масала юзасидан ўтган йил ўзида «Сурхондарёдон-



маҳсулотлари», «Сурхонкомбинат» ОАЖлар, «Хўжайкон туз» ОТХХ, «Сариосиёдон», «САВБ» МЧЖлар, «Умид», «Ассон Термиз», «Аслиддин» хусусий корхоналарига бу борада масlahат хизматларини кўрсатишди. Натижада ушбу корхоналардан бир қанчаси сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш идоралари томонидан сертификатлаштирилди. Жорий йилда ҳам марказ томонидан вилоят «Пахта-саноат» тизимидаги 7 та корхона билан ISO 9001 халқаро стандартини жорий қилиш бўйича шартномалар имзола-ниб, ҳозирги кунда биринчи

босқич ишлари якунланди. «Хўжайкон туз» МЧЖда эса ISO 22000 халқаро стандарти юзасидан амалий музокаралар олиб борилмоқда. Келгусида бу каби саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бизнинг маҳсулотларимиз «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида дунё бозорларини забт этса, бундан ортиқ фахр, гурур бўлмаса керак.

Зафар НОРТОЖИЕВ, Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори.

ФХДЁ — янги бинода

Янгийўл туманида фуқаролик ҳолати дололатномаларини қайд этиш бўлими учун қурилган борча қўлликларга эга, замон талабларига тўла жавоб берадиган янги бино фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг вилоят бошқармаси томонидан барпо этилган мазкур объектда ФХДЁ ходимлари учун қўлай хизмат хоналари, никоҳларни тантанали қайд этиш учун зал ҳамда ёш оила қурувчилар ўртасида турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган «Оила дорилфинуни» мавжуд. Улар замонавий мебель ва зарур ускуналар билан жиҳозланган.

— Туманимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади, — дейди Янгийўл туманининг 2-ФХДЁ бўлими мудираси Дилором Бойжонова: — Бу ерда тегишли идоралар ҳамкорлигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта турмуш қуриш ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини ёшларга тушунтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш учун ҳам қатор қўлайлик ва имкониятлар яратилгандан мамнунмиз.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.



Аёл билан олам чароғон

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг ҳамиятдоғи макенини янада юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун хотин-қизларимиз Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, равнақ топиши йўлида ҳар жабҳада фидокорона меҳнат қилиб келишмоқда. ИИБ Қоровул кўшинлари Бош Бошқармаси жанговар тайёргарлик бўлими масъул ижросичи, катта сержант Шохид Муйдинова ўн йилдан буюн ҳарбий соҳада хизмат қилмоқда. У ўзининг касбига бўлган садоқати, меҳри туфайли жамоада ҳурмат ва эъзоз толган аёлларимиздан биридир. — Ёшлигимдан ҳарбийлар ҳаётига қизиқардим, — дейди

Шохид тўлқинланиб. — Буни қарангки, ҳаёт ришталарим шундай касб эгаси билан боғлиқ. Турмуш ўртоғим ҳарбий. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли касб эгаси эканлигимиздан фахрланамиз. Инсон бахтининг тўқинлиги унинг оиласи билан узвий боғлиқ. Шохид бахтли оила бекаси. Маҳаллада бу намунали оилага барча ҳавас кўзи билан қарайди. Икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказишгаётган эр-хотиннинг орзулари бир олам.

Шаҳно БОБОВА.

Йўл қондаси — умр фойдаси

Фароз қилинг, йўловчисиз. Автомашинада кетаяспиз. Йўлда транспорт ҳаракати билан боғлиқ қутилмаган ноҳус ҳодиса рўй бериши мумкинлигини ҳаёлингизга ҳол келтирмайсиз... Бу — сиз юраётган автомашина ҳайдовчисининг малакасига боғлиқ, албатта. Маҳорати йиллар давомида шаклланган, тажрибали, кўпни кўрган ҳайдовчи бундай ҳолатлар бўлмаслиги учун ҳар қандай вазиятда ҳам энг аввало, йўл қондасига риоя этади, транспорт воситасининг техник ҳолатини доим назоратда тутоди, вақтида мутахассислар кўригидан ўтказоди.

Асранган... асранади

Тошкент вилояти, Оққўрғон туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги муассасаси ходимлари айни шу борада ибратли ишлар олиб бормоқда. Улар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида турли қоидабузарликлар ва тасодифан рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлар олдини олиш йўлида автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ишларини ҳар қанчонидан пухта ва изчил ташкил этишга муваффақ бўлишяпти. Шу йил бошидан буюн бу ерда техник кўрикдан ўтказилиши лозим бўлган 9555 та транспорт воситасида 560 таси мажбурий йиллик кўрикдан ўтказилди. Яроқсизлиги учун 217 та автотранспорт воситаси ДИХХ органлари рўйхатидан чиқарилди. Буларнинг 95 таси давлат, 122 таси жисмоний шахслар тасарруфидаги автомобиллардир.

Иш самарадорлигини янада ошириш учун туман ДСИ билан ҳам ҳамкорликда рейдлар олиб борилаёпти. Натижада лицензиясиз транспорт воситаларида ноқонуний йўловчилар ташини фаолияти билан шугулланган 10 та ҳайдовчиға нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Ҳайдовчиларни эътиборсизлиги ёхуд пиёдалар айби билан содир бўлган ўнлаб қоида-



бузарликлар аниқланиб, уларнинг айбдорларига тегишли чоралар кўрилди. Автомобиль ҳаракатини маст ҳолда бошқарган, йўл ҳаракати белгиларига амал қилмаган ҳайдовчилар ҳам ўз «мукофот»ларини олмоқда, албатта. Уйма-уй юриб текшириш ўтказилаётган вақтда фуқаро Бахтиёр Ханимовнинг уйда ноқонуний равишда чет давлатга тегишли бўлган «ДЭУ СИЕЛО» русумли О9566Т рақамли автомашина сақланаётганлиги маълум бўлди. Ҳозир унинг қайси йўллар билан республикамиз ҳудудиға келиб қолганини аниқлаш учун ҳужжатлар Давлат божхона қўмитасига юборилди. Хуллас, йўл ҳаракати хавф-

сизлиги ва автомобиллар созилиги оққўрғонлик давлат автоинспекцияси ходимлари томонидан сергаклик ҳамда ишчанлик билан олиб борилмоқда. «Асрангани Оллоҳ ҳам асрайди» дейди халқимиз. Демак, ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам аввало ўзи асрансн, бошқаларни ҳам асраган бўлади. Шундай экан йўл хавфсизлигига ҳамма бирдек риоя қилса, олам гулистон.

Асқарали МЕХТИБОЕВ, Оққўрғон тумани ИИБ АМТФКМНБ бошлиғи, катта лейтенант, Фулом ХИДИРОВ, “Adolat” мухбири.

Савол беринг, жавоб берамиз



«..Банкдан кредит олмақчиман, гаров таъминотиға яқинда олган машинани гаровға қўймоқчи эдим, лекин айтишларича, расмий дилерлардан сотилган кунидан бошлаб бир йил ўтмаган автомашиналар жуда қимматлашиб кетар эмиш...

Нима маспахат берасиз?» Сафар Сайфуллаев, Зафаробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли «Автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра Ватанимизда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларининг иккитомли бозорда сотилишини тартибга солиш йўлида расмий дилерлардан сотиб олинган янги автомобилларни янада қимматроққа сотиш ва бу билан автомобиллар баҳосини бир неча марта сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олиш тадбирлари кўрилган.

Мазкур қарорга қилинган иловаға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божни ставкалари тўғрисида»ги қарорининг 4-бандига ўзгартиришлар киритилиб, «К» кичик банди билан тўлдирилди. Унга биноан Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерлардан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган энгил автотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган

битимларни нотариал тасдиқлашида қўлланилади. 2007 йил 1 апрелға қадар харид қилинган энгил автотранспорт воситаларига нисбатан ушбу қарор қўлланилмайди.

Қарор талаби бўйича Тошкент шаҳар ИИБ ва вилоятлар ИИБ ЙХХБлар ҳузуридаги рўйхатлаш-имтиҳон бўлимлари (РИБ ва ТРИБ) томонидан бериладиган автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (техник паспорти)да мажбурий тартибда ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан у харид қилган сана йил, кун, ой ва неча от кучига эға эканлиги ҳамда русуми тўғрисидаги маълумотларни аниқ ва тўла кўрсатиш уқтирилди, акс ҳолда нотариусға тақдим этилган транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасида юқорида айтилганидек, сана-йил, кун, ой ва неча от кучига эға эканлиги тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса, уларни ИИБ ЙХХБлар ҳузуридаги рўйхатлаш-имтиҳон бўлимларига тўлдириш учун қайтариш белгиланди.

Юқоридаги қарор эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида автотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя этиш, рента, ижараға бериш, теким фойдаланиш, гаровға қўйиш ва лизинг шартномаларини, шунингдек, ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларға фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқини бериш ишончномаларини нотариал тасдиқланганлик учун қўлланилмайди.

Рустам КЎЧҚОРОВ, Жиззах шаҳар 1-сон ДНИ катта нотариуси.



Уйнинг эгаси ўзига тегишли бўлган уйни сотмоқчи бўлганида, мазкур уйда доимий рўйхатда турувчи вояға етмаган шахсларнинг ҳам розилиги бўлиши, яъни улардан рухсат олиши керакми?

Гулнора Бекмуродова, Чирчиқ шаҳри

Уйнинг эгаси ўзига тегишли уйни сотаётганида мазкур уйда доимий рўйхатда турувчи вояға етмаган шахсларнинг розилиги олинмайди. Оила кодексининг 24-моддасига асосан кўчмас мулк (никоҳ даврида олинми) эр (хотин)нинг номиға расмийлаштирилган бўлса, хотин (эр)нинг нотариал тасдиқланган розилиги олинмайди.

Лекин хусусийлаштирилган уй-жойни олиш-сотиш шартномаси тасдиқланаётганда уй эға-

сининг биргаликда яшовчи вояға етган оила аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги олинмайди. Вояға етмаган оила аъзоларининг манфаатларини уларнинг ота-оналари, улар бўлмаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик идоралари ҳимоя қилади.

Дўстмуҳаммад БОЙБУТАЕВ, Чиноз тумани ДНИ нотариуси.



Васият бўйича меросхўр васиятнома кучға киргандан сўнг узоғи билан қанча муддат ичида меросни қабул қилиб олиши керак?

Турдимурод Асминов, Чиноз тумани

Фуқаролик кодексининг 146-моддасига асосан меросға бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилмайди. Бунинг учун меросхўр нотариал идораға васият бўйича меросға бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида

ариза билан муурожаат қилиши лозим. Амалдаги Фуқаролик кодексида меросни қабул қилиш муддати чегараланмаган.

Саҳаб ЕСЕМКУЛОВ, Бўстонлиқ тумани ДНИ нотариуси.

Иш фаолияти тикланмоқда

Юртимизда айни кунда фуқароға ногиронлик гуруҳини белгилашда унинг меҳнат лаёқати эмас, балки ҳоёт фаолиятининг чекланиши асос қилиб олинади. Бу эса ногирон фуқаро ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашнинг аққол намунаси десак муболаға бўлмайди.

Ходимларимиз даволаш-профилактика муассасалари берган тиббий ҳужжатлар асосида касаллик туфайли фуқаро фаолиятининг чекланганлик даражасини, ногиронлик гуруҳини ва муддатларини белгилamoқда. Шу билан бирға, ногиронларнинг тиббий ва ижтимоий ёрдамнинг қайси туриға муҳтожлигини ҳам аниқлашmoқда. Ушбу комиссиянинг асосий юмуши беморни даволаш жараёнида нозорат қилиш орқали ногиронлиқни камайтириш ҳисобланади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мазкур йўналишда ўтган йил мобайнида ижобий кўрсаткичларға эришилди. Чунончи, бирламчи ногиронлик 101 нафарға, қайта ногиронлик 946 нафарға камайдди. Касаллик туфайли вақтинча ишға лаёқатсиз фуқаролар даволаниб, иш фаолиятиға қайтарилди. Ногиронларни реабилитация қилиш юзасидан олиб борилган ишлар таҳлил қилинса, бу йўналишда ҳам сезиларли ютуққа эришганимиз маъ-

лум бўлади. Чунончи, 693 нафар ногирон тўлиқ, 122 нафари эса қисман реабилитация қилинди. Вилоятнинг чекка ҳудудларидан оғир ётган бемор ва ногиронларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида сайёр кўрик ўтказилиб, уларға тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Даволаш-профилактика муассасалари билан биргаликда касалликлар ва ногиронлиқни реабилитация қилиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, илмий анжуманлар ташкил қилинmoқда. Жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ишлар ижобий натижа бераётди. Ногиронларни ишға жойлаштириш, уларни касанчилик асосида иш билан таъминлашға алоҳида эътибор қаратилmoқда.

Ақбар НОРБОВЕВ, Қашқадарё вилоятларо 38-сонли Физикатерия ТМЭК раиси.

Сўнгги саҳифа



Муқаддас кўрғон

Давом. Бошқ 1-бетда

Абдурауф Фитрат "Оила" рисолида ёзди: "Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз кадр-кимматини, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шунинг билан бирга, ён атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади".

Мустиқиллик йилларида Ватанимизда оила тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, жамиятда тутган ўрни масалаларига ургу берилиб, барча ҳуқуқий асослар яратилганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, аёллар ва болалар манфаатлари, саломатлигини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқ. Конституцияимизнинг "Оила" бобида ҳам оила жамиятнинг асосий бўлини эканлиги, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши қатъий белгилаб қўйилган.

Ҳомилалар аёллар, воёга етмаган болаларнинг бепул тиббий хизматдан фойдаланаётган оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилаётти. Ёш йигит-қизларнинг тўйдан аввал тиббий кўрикдан ўтаётганлиги соғлом оилани шакллантиришда, туғма касалликларга чалинган болалар дунёга келишининг олдин олишда аҳамиятлидир. Икки ёшнинг ҳали қонуний ниқохдан ўтмай туриб, бир-бирларининг соғлиқлари ҳақида

аниқ тасаввурга эга бўлиши оила мустақамлигининг гаровидир.

2007 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг эълон қилиниши ёш келин-куёвлар учун яна янги имкониятлар яратиб, уларнинг оила учун масъуллик ҳиссини оширди.

Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва оила барқарорлигини таъминлашга қаратилган эътибор ҳонадонларимизнинг янада тинч ва фаровон бўлишига хизмат қилиши, тайин. Зеро, ҳуқуқимиз олиб бораётган ислохотларнинг негизида ҳам халқ фаровонлиги, мамлакат тинчлиги, оилалар мустақамлиги ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадлар ётади. Буларнинг барчаси кишининг ўз-ўзига, келажакка бўлган ишончини кун сайин юксалтириб боради.

Маълумки, ҳар бир оила ўз фарзандларининг пешқадам, аълочи ва илғор бўлишини хоҳлайди. Санъат ва ижодга қизиқишини йстейди. Аммо хоҳиш бошқа, ирода бошқа. Ота-оналар фарзандларига ёшликдан эътибор қилишлари, ўткир фаросат ва сезгирлик билан улардаги қобилиятни кашф қила билишлари сўнгра уни тўғри йўналишга сола билишлари лозим. Болангиз бирон нарсани қизиқ сизга кўрсатса, ёки бирон шеър айтиб берса, сиз уни бир оғиз ширин сўз билан мақтаб, кўнглини кўтариб қўйсангиз шунини ўзи

боланинг ҳис-туйғуларини мўъжизавор шаклда жунбушга келтириши, унинг яширин салоҳияти намоён бўлишига туртки бериши мумкин.

Албатта тарбияли, одоб-ахлоқли, ватанпарвар, юксак маънавиятли бўлиш учун йиллар керак. Бу жараёнда оила тенгит йўқ куч эканини эсдан чиқармаслик зарур. Бола тарбияси асосан оилада шаклланади. Тарбия жараёнига етарлича эътибор бермаслик маъсули эртага жиноят, беҳаёлик, турли зарарли оқимларга кириб кетишлик ёки ғоявий таъсирларга тушиб қолишлик, жамиятимизда нолойиқ инсонларнинг пайдо бўлишига, оилаларнинг фарзанд доғидан қуйишига сабаб бўлади. Улар нафақат оиласига, балки жамиятга, осуда ҳаётга, фаровон турмуш тарзига, тинчликка раҳна солувчи кишиларга айланадилар.

Фарзандларимиз бу — барчамизнинг келажғимиз. Уларни яхши тарбиялаб, ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан таъминлаш оила зиммасидадир. Дилбанд фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихига, Ватанига муносиб авлод бўлиб етишишсин. Зеро илми, одоби, фаросатли инсон ҳаётда ўз ўрнини топа олади. Китоблардан, устозлардан ўрганилган маърифий илм қаторида оилада олинган ҳаёт илми уларга сув ва ҳаводек зарур.

Одильон ИСМОИЛОВ.

Ватан оиладан бошланади

Қадрият

Кундалик ҳаётимизни чор-атрофдан ёғилиб келатган турфа ахборотларсиз тасаввур этиш қийин. Ахир биз глобаллашадган замонда яшаймиз. Ер юзининг нариги бурчида бирор қор-ҳол рўй берса, санокли дақиқаларда хабардор бўламиз. Она сайёра бутун инсоният учун яшаш маскани экан, унинг беозор, бешиқост бўлишини истаймиз.

Қани дунёда нима гап экан, деган қизиқиш билан ҳонадонимиздаги "теледарча"га тикиламиз. Турфа каналларда бир-бирига ўхшамас тасвирлар, шарҳлар эътиборимизни тортади. Ана, араб давлатлардаги безовта вазият намоёйиш этилмоқда. Еру қўни қора тутун қоплаган. Бунёдкор қўллар билан тикланган уйлар жангариларнинг юриши натижасида кулга айланмоқда. Жонидан жудо қилинган жасадлар қалашиб ётибди.

Бундай манзараларни берафқ қўришнинг асло илоҳи йўқ. Алҳазар, яқин йилларда ҳам турмуш фаровонлиги билан дунёга қерилган элларда бугун шундай ачинарли ҳолат рўй бермоқда. Гап фақат моддий бўлиш эмас экан-да?! Шунча бало-қазо қаердан келди? Ундан халос бўлишнинг йўли борми?

Шу лаҳзаларда эшик кўнғироғи жиринглади. Қўшнимиз экан. Бугун маҳалламизда сумалак пишириш ҳаракати бошланганди. Бизни тақлиф қилгани чиқибди. Раҳмат айтдик. Қўшнимизнинг бир оғиз лут-ланадилар.

Фарзандларимиз бу — барчамизнинг келажғимиз. Уларни яхши тарбиялаб, ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан таъминлаш оила зиммасидадир. Дилбанд фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихига, Ватанига муносиб авлод бўлиб етишишсин. Зеро илми, одоби, фаросатли инсон ҳаётда ўз ўрнини топа олади. Китоблардан, устозлардан ўрганилган маърифий илм қаторида оилада олинган ҳаёт илми уларга сув ва ҳаводек зарур.



Энг яхши автомобиль

"Chevrolet Spark" автомобиллари Россия интернет олами томонидан ўтказилган сўровга кўра энг яхши автомобиль деб топилган.

Мазкур машина "супермини" тоифасида дунёга машҳур "Peugeot 107", "Kia Picanto", "Fiat Panda" ва "Citroen C1" каби шахарда ҳаракат қилган қўлай бўлган автомобилларни ортда қолдирди. Ушбу танлов



Авто@Mail.ru.com портали томонидан уюштирилди.

Янги технология яратилди

"Хонда" автокорпорацияси автомобилда қўшимча электрогенератор вазифасини бажарувчи тизим яратди.

Бундай тизим компаниянинг "FCX Clarity" русумли машиналарига водород ёрдамида ишловчи двигател билан биргаликда ўрнатилди. Янги технология орқали машина двигатели

етти соат мобайнида 9 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундай қувват билан автомобиль 150 километр масофани босиб ўта олади.

"Хонда" компанияси вакилларининг сўзларига кўра, янги тизим ўрнатилган машиналар 2015 йилда сотувга чиқарилади.



Хазина топилиди

Би-би-си телеканали таркатган маълумотларга кўра, Буюк Британияда шу пайтгача номълум бўлган хазина аниқланди.

Кумушдан ясалган ўттиз минг қадимий рим тангаларидан иборат хазина ноёблиги ва катталиги бўйича мамлакат ҳудудидан аниқланган бешинчи топила саналади. Археологлар 270-йилларга тегишли бўлган ушбу ноёб тангаларни Англиянинг жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган Бат шаҳридан топдилар. Хабарларга қараганда, бойлик аниқланган




ерда меҳмонхона қурилиши режалаштирилган.

Инфарктнинг олди олинди

АҚШнинг Калифорния институти олимлари беморда миокард инфаркти хуружнинг олдини олиш йўлини аниқладилар.

Қон таҳлили натижасида икки ҳафта олдин хуружнинг юзга келиш вақти аниқланди ва унинг олдини олиш учун тегишли муолажалар амалга оширилади. Шифокор Эрик Топлиннинг айтишича, миокард инфаркти юзга келишидан аввал қон таркибидаги деформациялашган эритроцитлар ҳужайралари микдори ошади. Бу инфаркт хуружидан илк дарахдир.



Хозир дунёда ҳар йили юз минглаб киши мазкур хасталик оқибатида ҳаётдан кўз юмаётти. Мутахассислар ушбу усул мазкур хасталикни енгиш борасидаги биринчи қадам, деб таъкидламоқда.

Индирохон ИСМАТХҲҲАЕВА.

Adolat

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши

Баш муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ

Баш муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдулвали СЎЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўйлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда ҳатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибнинг — 233-41-89; Навбатчи муҳаррир — Фарҳод ЭСОНОВ. Навбатчи — Ҳудомжон ХИДИРОВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТИКИ: 200

ISSN 2013-5237

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмомил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Икбол МИРЗО, Мамазир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қолдир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Мухаммад АЛИ, Муҳаррамхон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Талат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

Тахрир манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-й. adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-й. Буюртма Г—300. Ҳақми — 4 босма табқ. Офсет усулида босилган. Қороз бичими А-2. Адади — 10612. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00

1 2 3 4 5

«Adolat» ижтимоий сиёсий газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади. тел. факс 233-40-86

Эълон «TEXNOKOLOR SERVIS» МЧЖ ўз фаолияти тўхтатилганини маълум қилади.

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси «Янги жамият» студияси бўлим бошлиғи Нарзулла Охунжоновга волидаи муҳтарамаси ўғилрой аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Шўхрат ЖАББОРОВ.